O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2000 йил 23 август чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 163 (2460)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМИМИЗГА 9 КУН ҚОЛДИ!




# БИЗНИ ҲЕЧ КИМ ЕНГОЛМАЙДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримов 22 август куни Сурхондарё вилоятининг халқаро террорчиларни тугатиш операцияси давом этаётган Сариосиё ва Узун туманларида бўлди.

Президент Ислом Каримов Сурхондарёга йўл олар экан, самолётда журналистлар билан мулоқотда бўлди. Мамлакатимиз раҳбари суҳбат чоғида халқаро террорчиларнинг Ватанимизга суқилиб киришга уринишдан кўзлаган мақсадлари ва уларни хорижда қўллаб-қувватлаётган кучлар ҳақида тўхталди. Босқинчиларнинг асосий мақсади халқимизнинг осойишта ҳаётига раҳна солиш, бизни қатъий танлаган йўлимиз – демократик жамият қуриш, амалга ошираётган ислоҳотларимиз йўлидан оғдириш, иродаси заифроқ кишиларнинг кўнглида ваҳима туғдиришдир.

Маълумотларга қараганда, халқаро террорчилар ана шундай ёвуз ниятларига етиш учун кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистоннинг тоғли ҳудудлари орқали мамлакатимизга суқилиб кирмоқчи бўлган.

Гарчи, деб таъкидлади Президент Ислом Каримов, Тожикистон давлати мазкур террорчиларнинг юртимизга ўз ҳудуди орқали ўтганини инкор этаётган бўлса-да, бу ҳар томонлама исботини топмоқда. Лекин биз бундай вазият юз бергани учун барча айбни қардош Тожикистон Республикаси ҳукумати зиммасига юклаш ниятидан йироқмиз. Чунки Тожикистон узоқ давом этган беқарорликлардан кейин эндигина нафас ростламоқда. У ерда ижтимоий-сиёсий ҳаёт ҳали барқарор изга тўла тушганича йўқ.

Мамлакат ҳудудида террорчилар борлигидан Тожикистон ҳукумати хабардор. Лекин ҳозирча ҳукумат вазиятни ўз назоратига тўла олганича йўқ. Шундай экан, биз халқаро террорчиларга қарши Тожикистон ҳукумати билан биргаликда кураш йўлларини ахтаришимиз ва айни чоғда, асосий эътиборимизни ўз чегараларимизни мустаҳкамлашга қаратмоғимиз лозим. Чегараларимизнинг муайян қисми баланд тоғлар ва чуқур даралардан ўтиши биз учун бу ишда тўсиқ бўлолмайди.

Президент Ислом Каримов террорчиларга қарши курашда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилишини алоҳида таъкидлади. Ҳар қандай террорчилик ҳаракатлари шафқатсиз равишда бостирилади.

Президент Ислом Каримов халқаро террорчиларга қарши курашаётган Бирлашган Қуролли Кучларнинг Сариосиё аэропортидаги штабида бўлиб, жанговар ҳаракатларда иштирок этаётган аскар ва офицерлар билан суҳбатлашди.

Юртбошимиз, аввало, босқинчиларга қарши курашаётган ҳарбийларнинг кайфияти, қурол-яроғи, яшаш шароити билан қизиқди. Аскар ва офицерларимиз ҳар қандай қалтис вазиятда қатъий ишонч билан, дадил ҳаракат қилмоғи лозим. Бунинг учун уларнинг қурол-яроғи ва кийим-боши, бошқа анжомлари ҳам талабга тўла жавоб бера оладиган бўлиши керак. Биз ўзимизнинг янги, миллий армиямизни барпо этмоқдамиз, деди жумладан Ислом Каримов. У энг замонавий қуроллар билан таъминланган, шиддаткор, куч ва билимда, маҳоратда ҳеч кимдан қолишмайдиган аскар ва офицерлардан ташкил топаётир.

Шуни унутмаслик керакки, жангарилар хориждаги террорчилар тайёрланадиган махсус лагерларда яхши тайёргарликдан ўтган, замонавий қуроллар билан қуролланган. Биз буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва армиямизни доим шай ҳолда тутишимиз зарур, деди Юртбошимиз.

Чаён барибир чаёнлигини қилади. Осойишталигимизни бузмоқчи бўлаётган жангариларни ҳам ана шундай чаёнлар тўдаси дейиш мумкин. Лекин бизни ҳеч ким қўрқитолмайди ва енголмайди. Биз тинч ҳаётимизни заҳарламоқчи бўлган газандаларга шундай зарба берайликки, токи бу уларнинг хорижда ўтирган раҳнамоларига ҳам сабоқ бўлсин.

Олий Бош Қўмондон Бирлашган Қуролли Кучлар штаби аъзолари билан мавжуд вазият, амалга оширилаётган тозалаш операциясининг бориши ҳақида суҳбатлашди. Асосий мақсад мазкур операцияни тезроқ тугатишга эмас, балки қурбон бермасдан якунлашга қаратилиши лозим, деб таъкидлади Президентимиз.

**Мусулмон Намозов,**
**ЎзА мухбири.**
**Тошкент – Термиз – Сариосиё – Тошкент.**

**СУРАТДА: расмий сафар пайтидан лавҳа.**
**Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.**

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

## туфайли Қизилтепадаги мактаблар миллионер жамоаларга айланишмоқда

Қизилтепа туманида 1 июл куни барча таълим муассасалари янги ўқув йилига шай ҳолатга келтирилди. Таъмирлаш ишларининг асосий қисми мактабларнинг соф даромадлари ҳисобидан бажарилди. Таъмирланибгина қолмай, махсус мавзу – мустақиллик ғоялари асосида дид билан қайта безатилди ҳам. Хўш, бунга қандай эришилди?

**Янги ўқув йили яқин!**

Аввало, бир неча мактабларни бир ўқув йилидан иккинчи ўқув йилига таъмирсиз ўтказиш анъанага айланди. Улар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Бу эса ўша масканда иқтисодий тежамкорлик, мактаб мулкини ўз мулкидек ҳис этиш муҳити яратилганлигидан далолат.

Мактабларга ҳомийлар ёрдамини уюштириш ҳам ўз-ўзидан бўлавермайди. Лекин шундай хўжалик ва ташкилотлар борки, улар ўз ҳудудларидаги таълим масканларига баҳоли-қудрат ёрдамлашишни бурч деб биладилар. Чунончи, «Бухоро», «Ўзбекистон», «Тошработ», «Бўстон», «Қуйимозор» ширкат хўжаликлари, ғишт заводи, пахта тозалаш заводи қурилиш материалларидан ташқари 1 миллиондан ортиқ сармоя ҳадя этди. Биргина ғишт заводи ўтган ойда 8-боғчани таъмирлаш билан бирга беш юз минг сўмдан кўпроқ маблағ ўтказди. Ота-оналар билан ҳамкорлик бераётган самара янада яққолроқ кўзга ташланаяпти. Қарийб ҳамма мактабларда аълочиларга стипендия берилмоқда, ёрдамга муҳтожларга моддий кўмаклашилмоқда.

Турсунпўлат Патуллаев туман халқ таълими бўлими мудири, кўпни кўрган, ҳар бир киши қалбига йўл топа оладиган, обрўли раҳбар. У яқин орада тумандаги 38 та мактаб, 37 та болалар боғчасида сармоядан ташқари маблағ топишни ташкил этиш ниятида. У ҳозироқ бир қатор таклифлари амалга ошганидан хурсанд.

– Сармоядан ташқари маблағ топишнинг энг катта имконияти ўз қўлимизда, – дейди у. — Шукурлар бўлсинки, истиқлолимиз туфайли мактабларимиз мустақил сармоя топиш йўлига ўтди. Яқин орада миллионер мактабларимиз бўлади. Ҳозиргача уч-тўртта мактабларимиз ҳисобидаги даромад миллионга етиб қолди. Бизга республика Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 3 октябрда қабул қилган «Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори жуда қўл келди-да. Ушбу ҳужжат асосида 20 га яқин мактабга, 2 та мактабдан ташқари муассасамизга молиявий мустақиллик берилди. Таълим муассасалари учун туман халқ таълими бўлимида махсус ҳисоб рақами очилди. Ҳозир шу ҳисобда 6 миллионга яқин пул бор. Маблағ топаман деганга ҳамма шароитлар муҳайё!

Аксарият билим даргоҳларидаги пуллик рептиторлик курслари йил давомида фаолият кўрсатаяпти. Бундан тушган маблағнинг 40 фоизи мактаб ҳисобига ўтказилади. Турли хил тўгараклар, тайёрлов гуруҳлари яхшигина даромад манбаига айланган.

Маълумингизки, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳам маиший хизматнинг барча турларидан фойдаланишади. Биз бу соҳани тўлиқ таълим масканларига кўчирганмиз. Тикувчилик, косибчилик, сартарошлик, ҳунармандчиликнинг бир қатор турлари бўйича устахоналар ишлаб турибди. Оҳак, ганч, бўр кабилар ўзимиздан чиқаяпти. Мураббийлар билан ўқувчилар ҳамкорлигида сайқал топаётган стол, стул, доска ва бошқа жиҳозлар муҳтож мактабларга, боғчаларга берилаяпти, ортиқчаси эса бозорга чиқарилаяпти. Бeминнат хизмат ҳаммага керак-да.

Халқ таълимига қарашли бино ва транспортларни ижарага бериш ҳам сармоядан тушган даромадимиз манбаи бўлаяпти.

Ўқувчилар билан металлом, суяк, қоғоз ва бошқа чиқиндилар, данак йиғиб яхшигина даромад топаяпмиз. Масалан, ҳар бир ўқувчи бир килограммдан данак келтирса, 30 тоннага яқин данак тўпланади. Буни бозор нархида чақиб кўринг. Ғоят қисқа муддатда шундай йўллар билан беш ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ йиғдик. Ундан таъмирлаш ишларида, ногирон болаларга, қарияларга ёрдам кўрсатишда, аълочи ўқувчиларни рағбатлантиришда фойдаланаяпмиз. Йил охиригача шу йўсинда камида 10 миллион сўм маблағ топиш ниятидамиз.

(Давоми 2-бетда).

# КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАЙДИГАН ВАЗИФАЛАР

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида ўтказилган сим орқали мулоқот кенгашида Сирдарё вилоятидаги агросаноат мажмуи хўжаликлари ва идоралари, туман ҳокимлари номига кўпгина танқидий фикрлар билдирилди. Вилоят ҳокимлигида мазкур масала юзасидан чақирилган мажлис кескин танқидий ва амалий руҳда ўтди. Йиғилишни Сирдарё вилояти ҳокими А.Исроилов бошқарди.

Йиғилишда шу нарса алоҳида таъкидландики, кузда дон экиш муддатининг январ ойигача чўзиб юборилгани, бошоқли экинлар яхши ишлов берилмаган ва шўрланган майдонларга экилгани, уруғ сепиш ва минерал ўғит беришда белгиланган меъёрларга амал қилинмагани туфайли вилоятда ғалладан етарлича ҳосил олинмади. Хусусан, ҳар гектар ерга меъёрдаги 250 килограмм ўрнига 120-130 килограммдан ғалла уруғи сепилган. Вилоят хўжаликлари ўзларига ажратилган фосфорли ва калийли ўғитларни тўлиқ олган бўлишларига қарамай, экинзорларга зарур миқдорнинг бор-йўғи 4,3 фоизи сепилган, холос.

Бу йил бўлажак ғалла ҳосилига тайёргарлик ўтган йилдагидан яхшироқ олиб борилмоқда. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Текширишлар кўпгина туманларда экиш техникасини таъмирлаш ёмон аҳволда эканини кўрсатди. Хусусан, Гулистон туманида сеялкаларнинг биронтаси ҳам ишга тайёр эмас. Ерни текислаш техникасидан унумли фойдаланилмаяпти. Барча туманларда кузги ғалла майдонларини шудгорлаш ишлари кечикмоқда. Шароф Рашидов туманида ер сифатсиз, яъни 20-25 сантиметр чуқурликда, бунинг устига кечикиб шудгор қилинмоқда. Бундай аҳвол Боёвут туманида ҳам кузатилмоқда. Ховос тумани вакиллари шудгорлаш кечикишига дизел ёнилғиси етишмаётгани, вилоят нефт маҳсулотлари бошқармаси ёнилғи-мойлаш материалларини нотўғри тақсимлаётганини сабаб қилиб кўрсатишмоқда.

Йиғилишда кузги экин майдонларининг барчасида шўр ювиш ишларини олиб бораётган Мирзаобод тумани ғаллакорларининг тажрибасига ижобий баҳо берилди. Шўр ювиш барча қўриқ майдонларда амалга оширилиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилиш иштирокчилари вилоят майдонларида пахта етиштиришнинг аҳволи тўғрисидаги ҳисоботни тинглашди.

Деярли барча туманларда суғориш ишлари етарлича олиб борилмаган, баъзан ғўзанинг қуриб қолишига йўл қўйилган каттагина майдонлар борлиги аниқланди. Ҳар битта туманда бегона ўтлар босиб кетган далалар мавжуд. Хусусан, қўриқ Мирзаобод туманида 11500 гектар майдонга пахта экилган. Шундан 9800 гектарида ғўза униб чиққан. Қолган 347 гектар майдонда бегона ўтлар пахтага нисбатан яхшироқ ривожланган. 300 гектар майдон етарлича суғорилмаганлиги сабабли ғўза кўсаклари тўкилмоқда. Пахтани чеканка қилиш сифатсиз ўтказилмоқда. Техника воситалари тушлик танаффусдан сўнг далага чиқарилмаётир. Мутахассисларнинг фикрича, буларнинг барчаси туманда пахта тайёрлаш режаси яна бажарилмаслигига олиб келади.

Сирдарё туманида ҳам аҳвол шундай. Бу ердаги 803 гектар майдонда чигит умуман униб чиқмаган. "Сирдарё", "Ҳақиқат", Иброҳим Каримов номидаги хўжаликларда кўпгина далаларни бегона ўт босган. Туман сув билан етарлича таъминланган бўлишига қарамай, минглаб гектар майдонлардаги экинлар қондириб суғорилмаган. Айрим хўжаликларда ғўза майдонлари чорва моллари томонидан пайҳон қилинишига йўл қўйилган.

Оқолтин туманидаги "Чинобод", "Барлос", А.Тоиров номидаги хўжаликларда тезда суғориш талаб этиладиган пахта майдонлари 1270 гектарни ташкил этади. "Андижон" хўжалигининг кўпгина далаларида чеканка ишлари умуман бошланмаган. Ўсимлик зараркунандаларига қарши курашда биологик усуллардан фойдаланилмаётир.

**Т. АҲМАДАЛИЕВ,**
**Сирдарё вилояти.**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИАРИКДА ЯНГИ ЦЕХ

Энг мўътабар, энг азиз байрамимиз арафасида Янгиариқдаги «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган йигирув цехида олтмиш ишчи ўрни очилиб, ўрта мактабни яқинда тамомлаган кўплаб ёшларни ўз бағрига олди. Цехда кунига 25-30 килограммга яқин қимматбаҳо ипак маҳсулоти тайёрланмоқда. Ёшлар жамоаси қутлуғ байрам олдидан фаолликни оширди. У йил охиригача 30 миллион сўмлик иш бажаришни режалаштирган.

**Сотим АВАЗ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муносабат

# ШАРАФ ВА ШАРМАНДАЛИК

**Шундай деб ёзаман-у, ўйланиб қоламан, тўғри қилдимми?**
**Бу икки сўз ёнма-ён туриши мумкинми?**
**Аслида мумкин эмас.**
**Шараф — ниҳоятда юксак, улуғликка дахлдор, муқаддас сўз.**
**Шармандалик эса инсоний тубанликнинг ифодаси.**
**Модомики шундай экан, бу икки сўзни ёнма-ён ёзишга эҳтиёж бормиди?**
**Бугунги ҳаётимизда содир бўлаётган айрим кўнгилсиз воқеалар ва уларнинг сабоқлари, фақат уларни оддий сўз сифатида ёнма-ён ёзишни эмас, балки уларнинг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилишни, бир-бирига муқояса этиб, ибратли хулосалар чиқаришни тақозо этади...**

Бир ҳовуч бузғунчилар йигирма беш миллионли катта халқнинг тинчлигини бузмоқчи, таҳликага солмоқчи бўлди.

Уларнинг ифлос қадамлари текканда неча минг йиллик азамат харсанг тошларнинг вужуди титради. Тоғларнинг бағридан отилиши керак бўлган нафрат вулқони халқнинг кўксидан отилди.

Мустақил Ватаннинг — озод Ўзбекистон тупроғининг азиз фарзандлари ва жасур ҳимоячилари «чақирилмаган меҳмонлар»нинг таъзирини бериб қўйишга киришдилар.

Уруш ўз номи билан уруш, жанг ўз номи билан жанг, душман ўз номи билан душман.

Бу муҳорабада иккиланишга – шафқат ва мурувватга ўрин йўқ.

Каллакесарлар гуруҳи ҳеч кимга керак бўлмаган жонини, юрт ўғлонлари эса жондан азиз Ватанини, халқини ҳимоя этиш учун жангга киришганда ШАРАФ ва ШАРМАНДАЛИК бир-бири билан тўқнаш келди. Босқинчиларни тор-мор этиш йўлидаги аёвсиз жанглар ўзига хос бир кўзгу бўлиб, инсон фарзандларининг юксалиш ва тубанлашиш жараёнларини ўзида намоён этди.

Орқасида тоғдек таянч бўлиб турган халқига суянган ўзбек аскарлари газандалар уясига, нашафурушларнинг қароргоҳига айлантиришга жазм этган халқаро террорчиларнинг тиш-тирноғигача қуролланган тўдасини пароканда этди.

Одам қиёфасидаги йиртқичларнинг асосий қисми ер тишлади, қолган-қутганлари ғор ва ўнгирларни пана тутиб, писиниб қочмоқ пайига тушди.

Юртимиз тупроғини ёвуз кучлардан тозалаш учун бўлган жангларда ўн икки нафар ўзбек ўғлони қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Уларнинг ҳалок бўлганлигини эшитиб, Ўзбекистон тупроғида яшаётган, озодликнинг мусаффо ҳавосидан нафас олаётган, мустақилликнинг шарофатидан баҳраманд бўлаётган, ўзини шу Ватаннинг фарзанди деб билган барча миллатларнинг вакиллари баравар қайғу чеккан бўлсалар, жасоратларидан ҳам якдиллик билан ғурурландилар.

Азиз жонларини эл бахти-саодати, тинчлиги ва осойишталиги йўлига тиккан Ватан ҳимоячиларининг номи мангу завол билмас ШАРАФ гулчамбари билан безанди.

Улар ҳақида гап кетганда энди меҳр нурини тўкиб ўстирган ота-оналари, бир ҳовлида қувлашиб ўсган ака-укалари, опа-сингиллари билан бир қаторда бир ариқдан сув ичган, бир ҳаводан нафас олган ҳамқишлоқлари, қариндош-уруғлари, тумандош ва вилоятдошлари билан бир қаторда барча юртдошларимиз чуқур миннатдорчилик туйғуси билан «қаҳрамон фарзандларимиз» дея фахрланади. Бутун авлод-аждодига раҳмат айтади, ташаккурини изҳор этади.

(Давоми 2-бетда).

# «КУРСК» ФОЖЕАСИ

Баренц денгизида «Курск» сувости атом кемасидаги фожеа ҳар бир ўзбекистонликни чуқур қайғуга солди. Маълум бўлишича, сувости кемасининг капитан-лейтенанти Рашид Рямисович Арянов ва мичман Сергей Анатолевич Ричковнинг қариндош-уруғлари Тошкент шаҳрида ва Самарқанд вилоятида яшар эканлар.

Р.Аряновнинг ота-онаси ва акаси ҳамда Ричковнинг онаси ва опалари бошига тушган жудолик Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан чуқур ҳамдардлик билан кутиб олинди. Россия дипломатлари уларнинг йўлкираларига маблағ тўплаб беришди. Элчихона вакиллари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари Э.М.Полвоновга Москвага учиш учун энг яқин рейсга билет сотишни сўрашганда, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» компанияси мутасаддилари денгизчиларнинг қариндошларига бешта билетни бепул ажратишганларини маълум қилди.

Капитан-лейтенант Арянов ва мичман Ричковнинг қариндошлари Москвага етиб боришди. Москвадан эса Россия ҳарбий денгиз флоти томонидан ташкил этилган махсус рейс билан фожеа юз берган жойга жўнаб кетилди. Ҳозир у ерда россиялик қутқарувчилар билан биргаликда Норвегия ва Буюк Британия мутахассислари иш олиб бормоқда.

**«Туркистон-пресс».**

**Азиз муштарий! Сизга хуш кайфият тилаган ҳолда газетамиз учун обуна давом этаётганлигини маълум қиламиз.**

Олий Мажлис сессияси олдидан

# ЖАҲОН ҚОНУНЧИЛИГИДА ЯНГИЛИК

***«Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилмоқда.***

***Лойиҳанинг мазмун-моҳияти нималардан иборат? У келгусида бизга нима беради? Мухбиримизнинг Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан қилган суҳбати ана шу ҳақда бўлди.***

**— Ҳаммамизга аён, шу вақтгача парламентимиз томонидан қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар дастлаб умумхалқ муҳокамасига ташланиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида маромига етказилар эди. Модомики шундай экан, кўпчиликда ушбу қонунни қабул қилиш зарурати қандай келиб чиқди экан, деган савол туғилиши табиий...**

— Тўғри, қисқа вақт ичида фуқароларимизнинг умумхалқ муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаларига ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдириши одатий ҳолга айланди. Бу қабул қилинажак қонунларнинг ҳаётийлигини таъминлабгина қолмай, балки одамларнинг давлат бошқарувида иштирок этишдек демократик тамойилни намоён ҳам қилди. Энг муҳими, бугун ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини қонун асосида мустаҳкам ҳимоялаш зарурлиги ва эртага ана шу қонун доирасида ишлашини англаб етмоқда. Буни назарда тутган кишида, ҳақиқатан ҳам, ушбу қонунни қабул қилиш зарурати бормиди, деган савол туғилиши табиий. Албатта, бор. Нега?

Ёдингизда бўлса, ўтган тўққиз йил ичида қабул қилинган 300 га яқин қонунлардан 30 таси, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Оила кодекси», «Ер кодекси», «Фермер хўжалиги тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида», «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги қатор қонунлар муҳокамаси кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Жуда кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Тадбирлар ўтказилди. Аммо шу вақтгача ушбу жараёнларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган қонун мавжуд эмас эди.

Мазкур қонун жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Ушбу сиёсий тадбирда иштирок этувчи ҳар бир киши ҳуқуқларини кафолатлашни назарда тутади. Бундан ташқари, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисидаги қарор қайси орган томонидан қабул қилинади? Унда кимлар иштирок этиши мумкин? Таклиф ва мулоҳазаларни қаерга юбориш керак? Уларни кўриб чиқиш тартиби қандай бўлади? Унинг якунлари оммага қандай етказилади? Бу ва бошқа кўплаб саволларга жавоб айнан ана шу лойиҳада акс эттирилган.

Шу ўринда мазкур қонун лойиҳасининг тайёрланиши жаҳон қонунчилик амалиётида ўзига хос янгилик бўлганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Негаки, **ҳали бирор бир мамлакат парламенти томонидан бундай қонун қабул қилинмаган.**

Яна бир гап. Биласиз, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий шартларидан бири — бу инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашдир. Умумхалқ муҳокамасига қатнашиш, унда таклиф ва мулоҳазаларни билдириш эса бевосита демократиянинг амалдаги кўринишидир. Бизда бугунги кунда бунинг ҳуқуқий асослари яратилган, деб ҳисоблаш мумкин.

**— Кечирасиз, ҳуқуқий асос яратилган дейилганда сиз қайси ҳуқуқий ҳужжатларни назарда тутяпсиз?**

— Авваламбор, мамлакатимиз Конституциясини. Асосий Қомусимизнинг 9-моддасида шундай дейилган: «Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади».

**— Сиз ушбу қонун лойиҳасини қисқача қандай шарҳлаган бўлардингиз?**

— Мен, аввало, лойиҳада ихтиёрийлик, тенглик, ошкоралик, ҳамма учун очиқлик, эркин фикр билдириш тамойиллари умумхалқ муҳокамасининг асосий принциплари сифатида белгиланганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Фуқаролар, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари ана шу принциплар асосида қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасида иштирок этишлари мумкин. Лойиҳаларнинг муҳокамаси жараёнида ҳеч кимни фикр билдиришига мажбур қилиниши мумкин эмас. Лойиҳанинг яна бир қатор ўзига хос жиҳатлари бор. Унда умумхалқ муҳокамасининг ташкил этишдан тортиб, уни якунларини эълон қилишгача бўлган барча босқичларга эътибор қаратилган.

**— Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларининг қонун лойиҳаларини умумхалқ муҳокамасини ўтказиш бўйича қандай ваколатларга эга эканлиги ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотиши мумкин...**

— Ушбу қонун лойиҳасига биноан парламентимиз қўмиталари ва комиссиялари муҳокамада бўлган лойиҳалар юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, умумлаштиради, ўрганиб чиқади, лозим топилганда экспертлар, мутахассислар ва олимларни жалб этади. Ва, шу тариқа қонун лойиҳаларини маромига етказади.

**— Умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини умумлаштириш, унинг якунларини халққа етказиш жараёни мазкур қонун лойиҳасига биноан қандай тартибда амалга оширилади?**

— Биласизми, Олий Мажлис қўмита ва комиссиялари парламентимизга қонун лойиҳаларининг муҳокамаси якунлари тўғрисида тушган таклиф ва мулоҳазалар хусусида тегишли тавсиялар баён қилинган ахборот тайёрлайди. Муҳокама якунларини эса Олий Мажлис кўриб чиқиб, қонунни қабул қилиши ёки лойиҳани қўшимча равишда ишлашга юбориши ёхуд уни рад этиши мумкин. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси якунлари тўғрисидаги ахборот Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилгач, эълон қилинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида фуқароларнинг ушбу жараёндаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилади. Бу, биринчидан, қонунларимизнинг ҳаётийлиги ва халқчиллигини таъминласа, иккинчидан, фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий омилларидан бири сифатида фуқароларнинг қонунларни тайёрлаш ва амалга оширишда онгли муносабатини янада шакллантиради.

**Суҳбатдош:**
**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ШАРАФ ВА ШАРМАНДАЛИК

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Оппоқ соқоли кўксини тутган мўътабар отахонлар, сочлари кўнгилларидек оқ муҳтарам онахонлар саҳар-у шомда қўл очиб, уларнинг руҳларига дуо ва тиловатларининг савобини бағишлайди. Минглаб оилаларда ота-оналар юрт қаҳрамонлари тимсолида болалари кўнглига жасурлик ва фидойилик, юртпарварлик ва халқпарварлик тарбиясини, ғурур ва ифтихор туйғусини сингдирадилар.

Мактабларнинг ўқувчилари, лицейлар, коллежлар, олий таълим даргоҳларининг талабалари улардан ибрат оладилар, уларга тақлид қиладилар, уларнинг жасоратини давом эттиришга — азиз Ватанни кўз қорачиғидек асрашга бел боғлайдилар.

Бу жасур ўғлонларнинг азиз номи Ўзбекистоннинг озодлиги ва мустақиллиги тарихининг ёркин саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилади ва замонлар оша мардлик ва матонатнинг, ватанпарварлик ва фидойиликнинг, инсонийлик ШАРАФининг ёркин тимсоли сифатида яшайди...

Мана шу ШАРАФ нурларида инсон қиёфасида туғилган, она сутини эмган, она-Ватан ҳавосидан нафас олган, аммо иблиссифат кимсаларнинг қутқусига, шайтоний нафснинг васвасасига учиб, ҳаммасидан юз ўгирган, сув ичган ариғига, туз еган дастурхонига туфлаган ва ботинан ҳайвон қиёфасига кирган кимсаларнинг ШАРМАНДАЛИК қисмати намоён бўлади.

Ислом динининг муқаддас номини ниқоб қилиб, аввал имонини, сўнгра инсонийлик шаънини сотган, ота-онасидан, оиласидан, ёр-дўстларидан, халқидан айрилиб, ҳеч кимга кераксиз, жони бор-да ўзи йўқ, номи бор-да номуси йўқ, тани бор-да Ватани йўқ махлуқларга айланган кимсалар ўзларига шараф эмас, шармисорлик олиб келган жангларда ер тишлади. Тошларнинг кавагида кўксидан ўқ еб, Халқнинг ибратли ибораси билан айтганда, тўнғиз қўпди. Жасадлари кафансиз қолди.

Уларнинг ўққа учганини, кўкнори хаёллари барбод бўлганини эшитган хориждаги ҳомийларининг фиғони фалакка чиқди, ношуд-нотавон жангариларни ота-оналари билан қўшиб, болахонадор қилиб сўкдилар, сарф қилган пулларининг ҳавога учганига ачиндилар. Уларнинг ёдини шу тарзда «улуғладилар».

Энг аянчлиси, аллақачон инсонийлик сифатидан жудо бўлган, ўзлари сингариларнинг кўпайишини истаган ёвуз ниятли кимсалар томонидан йўлдан урилган, тирик бўлиб ерда йўқ, ўлик бўлиб гўрда йўқ жигарбандларининг бир куни эс-ҳушини йиғиб, бағрига қайтишига, тавба-тазарру қилиб, элига эр йигит бўлиб қўшилишга умид боғлаб ўтирган неча-неча ота-оналар уйларидан чиқаолмай, кўча-куйда бош кўтариб юролмай қолди. Танаси илма-тешик бўлиб ётган, кўзларини қузғунлар чўқиган мурдани «бизники» деб тан олай деса, кимлигини билмайди. Тан олмайин деса, ўзларининг жигаргўшасидек туюлаверади.

Аза очай деса, эл-юртдан уят.

Хуллас, бир шармандаликки ҳеч айтгулиги йўқ...

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, қузғунлар қавмига қўшилиб, ўз юртини ўлаксазорга айлантиришга жазм этганлар учун энг муносиб қисматдир.

Чунки ШАРАФ, энг аввало, Оиласи, Халқи, Ватани бор инсоннинг мулки.

Оиласи бўлмаган кимсанинг Халқи бўлмайди, Халқи йўқ кимсанинг эса Ватани бўлмайди.

Ватансиз кимсанинг ётадиган қабри, хотирасини эъзозлайдиган қавми-қариндоши бўлмайди.

Фақат, ёди бўлади — ёмонлар қаторида, ёвузлар қаторида.

Қабоҳат ботқоғига ботган, разолатни касб қилган кимсаларнинг хотираси уларнинг ўзидан ҳам даҳшатлироқ — узоқ йиллар авлод-аждодига тиним бермайди, уларни қийнайди. Ота-онаси ҳам, ака-укалари ҳам, уларнинг фарзандлари ва невара-чеваралари ҳам бир умр эл-юрт орасида ўз уруғларидан чиққан шармандалардан қолган иснодни елкаларида ортмоқлаб юрадилар.

Бирор бир даврада, тўйда, маъракада қаҳрамонлар жасорати ҳақида гап кетганда, каттаю кичик миннатдорчилик билан уларнинг шаънини улуғлаганда, саргардон фарзандининг, жигаргўшасининг ўлик-тиригини билмай бағри ўртанган ота-она, ака-ука қочгани жой топмай қолади. Оғзидаги бир тишлам нони тошга, бир ҳўплам чойи заҳарга айланади. Ўйлайдики, бу азоблардан кўра, ер «тарс» ёрилса-ю, бағрига ютса яхшироқ эди.

Итдек ўлим топган ватангадолар шу йўлга қадам қўйган кунданоқ эл учун, юрт учун ҳам жисмонан, ҳам маънан ўлган бўлса, чинакамига ажал топгандан сўнг бутун қариндош-уруғини тириклай қабрга тиқади. Ўлиб ўлаолмайдиган, юриб юраолмайдиган шармисор қисматга дучор этади.

Иккита одам гурунглашган даврага учинчи бўлиб қўшила олмайдиган ота ўзини ҳам, қисматини ҳам, фарзандининг руҳини ҳам лаънатлайди, тўйнинг тўрига чиқишга юзи чидамайдиган онаизори эса аламидан сочини юлиб қарғайди, ноқобил кимсалар ҳақидаги гурунглардан юраги безиллайдиган ака-укаси, опа-синглиси, тоғаси-ю холаси эса бирор жойда унинг номи тилга олинганда, худди ўзи гуноҳкордек ер чизади.

Шунинг учун ҳам халқимиз «Тентак сув ерни бузади, тентак йигит элни бузади», деб бежиз айтмайди.

Нопок ниятнинг, Худога ҳам, бандага ҳам хуш келмайдиган қилмишнинг оқибати ана шундай Шармандаликларга олиб келади...

* * *

Ўйлаб қарасам, ҳар ҳарфидан нур сочадиган «Шараф» ва яратилганидан ўзи ҳам шарм қиладиган «шармандалик» сўзларини, аслида мен эмас, Шарафнинг шуъласида Шармандаликнинг нақадар аянчли қисмат экани кўриниб турсин, деб Ҳаётнинг ўзи бизга катта сабоқ берган экан.

Биз бугун азиз ва мўътабар юртимиз Ўзбекистоннинг, халқимизнинг шаънини, шуҳратини оламаро юксалтирадиган масъулиятли ва шарафли бир даврда яшаяпмиз.

Ҳар бир юрт фарзандининг жасорати ва фидойи меҳнати — ҳар биримизнинг шарафимиз, шонимиз, буюк эртамиз, порлоқ келажагимизнинг гаровидир.

**Бахтиёр РИЗО.**

*Андижондаги «Нилуфар-Д» ишлаб чиқариш тижорат фирмаси фаолияти йил сайин юксалиб бормоқда. Байрам арафасида соатига 600 килограммдан музқаймоқ ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилиши унинг фаолиятини янада кенгайтирди. Бугун фирма маҳсулотлари нафақат республикамиз вилоятлари балки қўшни Қирғизистон, Қозоғистон республикаларида ҳам ўз харидорига эга.*

**СУРАТДА: моҳир ишчи Роҳилахон Раҳимова иш пайтида.**



Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Мудир билан суҳбатимизга вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи муовини Халила Якубаев қўшилди. У туман халқ таълими ходимлари иш тажрибаси акс этган плакат-саҳифани ва рақамлар акс этган ҳужжатни тақдим этди. Мана улардан баъзилари.

Туман мактаблари ихтиёрида 56 гектар ер бор. Уларнинг асосий қисми боғ-чорбоғлардан иборат. Шу йил 20 июлгача ана шу майдонлардан 25 тонна мева, 20 тонна сабзавот, 20 тоннадан ортиқ ғалла йиғиштириб олиниб, давлатга топширилган. Жорий ҳисобга келиб тушган маблағ қарийб 2 миллион сўмни ташкил этади.

Толиб Жўраев раҳбарлик қилаётган Охунбобоев номли мактабда сўнгги уч ойда 30 тоннага яқин оҳак ишлаб чиқарилиб, 315 минг сўмга сотилган. Табиат музейи келтирган фойда 20 минг сўмдан ортиқроқ.

Ҳ. Олимжон номли мактабда сопол идишлар тайёрлаш ҳисобига 110 минг сўм сармоя топилган. Иноят Хўжаев номли мактабдаги тикувчилик тўгарагида 200 минг сўмдан кўпроқ ўқувчилар формаси тикилиб, қўшни мактабларга тарқатилган. Фитрат номли мактабда 60 тонна ганч, 140 тонна оҳак тайёрланиб, бозор нархида сотилган. Маънавият ва қўшимча таълим марказида биргина гулчиликдан 50 минг сўм даромад олинибди.

Иккинчи варақдаги рақамларга кўз югуртирамиз. Унда ҳомийлар томонидан ўтган ойда мактабларга кўрсатилган ёрдам акс этган. Ўқиймиз: 2938 килограмм бўёқ, 14500 килограмм оҳак, 17200 килограмм ганч, 40 килограмм алиф, 5 тонна цемент, 4 миллион сўм нақд пул. Яна бир мисол: «Соғлом авлод» дастурини бажариш мақсадида барча мактабларда педиатр врач ва ҳамшира, 7 та мактабда тиш доктори ишлаяпти. Улар фаолиятига ҳам соф даромаддан ёрдам берилаётир.

Эгам Мажидов раҳбарлик қилаётган Ибн Сино номли мактаб барча соҳалар бўйича таянч масканларидан бири. Директорнинг фикрларини эшитамиз:

— Ўтган ўқув йилида «Синф раҳбари», «Йил ўқитувчиси», «Экология болалар нигоҳида» кўрик-танловлари ғолиби бўлдик. Ганчкорлик ва бошқа бир қатор йўналишлар бўйича олимпиада ғолиблигини қўлга киритган ўқитувчиларимиз кўп. Инглиз тили ўқитувчимиз Озода Қодирова АКСЕЛС йўналишидаги танловда ғолиб чиқиб, республикамиздаги 10 ўқитувчидан бири сифатида АҚШнинг Монтана Давлат университетида малака оширмоқда. Ўқитувчилар ижодкорлигининг ошиши ўқувчилар билим даражасининг кенгайишига замин яратаяпти. Агар 1995-1996 ўқув йилида битирувчиларнинг 12,6 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга кирган бўлса, ўтган ўқув йилида бу кўрсаткич 32,5 фоизга етди.

Хуллас, туман маорифчиларининг тажриба ва ташаббуслари ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бу ерда гап амалга оширилаётган ишларни кўз-кўз қилиш эмас. Муддаомиз — бюджет ташкилотларининг бир қисми бўлган мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ҳам менинг мулким, мен эгасиман, ўргатаман, яратаман, топаман, деган ақидалар кенг қулоч ёйгани, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш қандай самаралар бериши ва таълим масканлари замон руҳи билан йўғрилиб бораётганлигини исботлаш холос. Яна мустақиллик берган эркинликлар туфайли таълим-тарбия масканларида юз бераётган ўзгаришлар кун сайин ўзлигини кўрсатаётганлигига Сизни ҳам шерик қилишдан иборатдир.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АЛОҲИДА НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

**«Халқ сўзи» фуқаролар хизматида**

*«Самарқанд дарвоза» кўчаси Термиз тор кўчасидаги кўприк кейинги пайтларда ахлатхонага айланиб қолди. Хонадонлардан чиққан қипиқ ва пайрахалар, сипириндилар кеча-кундуз тутаб, ҳавони бузмоқда. Негадир бу ҳол эпидемиологик станция ходимларини безовта қилмаётир. Биз бу ҳақда тегишли ташкилотларга мурожаат қилдик. Афсуски натижаси бўлмаётир. Ваҳоланки, 1999 йил мобайнида ахлатларни олиб кетиш учун хонадонлардан ҳар бир киши ҳисобига 50 сўмдан пул йиғишди. Қизиқ, бажарилмаган иш учун ҳақ олиш мумкинми?»*

Юқоридаги сатрлар Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги Самарқанд дарвоза ва Сузукота маҳаллалари аҳлидан таҳририятга келган арзномадан олинди.

Ушбу масала юзадан туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ҳ. Содиқовдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладики, Термиз кўчасида сунъий равишда пайдо бўлган ахлатхона ҳақиқатда туман санитар-экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб келган. Бугунги кунда туман ҳокимлиги ташаббуси билан санитар тозалик бўйича ягона буюртмачи дирекцияси, 5-сонли махсустранс автокорхонаси ва маҳалла аҳли иштирокида ахлатхонага айлантирилган ҳудуд чиқиндилардан батамом тозаланди.

Санитар тозалик бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда ахлатхона қайта пайдо бўлмаслиги учун санитар милицияси ходимларидан навбатчилик ташкил этилди. Шунингдек, Сузукота, Кохота, Самарқанд дарвоза маҳаллаларида махсустранс автокорхонаси томонидан ахлатларни ташиб кетадиган машиналарнинг жадвалларга риоя этиши қаттиқ кузатиб борилмоқда.

Санитар тозалик ҳолатини таъминлаш борасида ушбу ҳудудлар туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинган.

## Бизнинг суҳбат

# «ИСЛОҲОТЛАРНИ ҲАЁТГА

## — дейди Ўзбекистон Республикаси

**Ярим йиллик якунларига бағишланган ҳукумат мажлисида Юртбошимиз томонидан қатор идоралар зиммасига вазифалар юклатилди. Хусусан, адлия идоралари ҳам ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишида масъул эканлиги уқтирилиб, баъзи эътирозлар билдирилди. Кўп бора айтилганига қарамай пудратчилар, фермерлар ўртасида тузилган шартномаларда ҳануз камчиликлар мавжудлиги ва бу ҳолга адлия органлари ҳам ўз сўзини айтиши лозимлиги таъкидланди...**

**— Абдусамат ака, ҳозирда Адлия вазирлиги барча ҳаракатларини тадбиркорликни асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилишга қаратган. Бунинг натижаси қандай бўлаяпти? Қаноатланарлими ёки...**

— Айтишим керак, вазирлигимиз томонидан 1130 дан ортиқ инструкция ва бошқа меъёрий ҳужжатлар чуқур таҳлил қилинди. Улардан айримларини қайта кўриб чиқиш учун тегишли идораларга тақдимномалар киритилди. Амалдаги ва Олий Мажлисимизнинг охирги сессиясида қабул қилинган тадбиркорликка оид қонунларга мослаштирилди. Шу тариқа ҳужжатлардаги тадбиркорликка тўсиқ бўладиган бандлар олиб ташланди. Натижада кичик ва ўрта бизнес субъектларини давлат рўйхатига олиш, уларга лицензия бериш, экспорт-импорт шартномаларини ҳисобга олишда талаб қилинадиган ҳужжатлар сони ва муддатлари қисқартирилди.

Илгари тадбиркор 10 тадан кўпроқ идорага ҳисобот топшириши керак эди. Ҳозир фақат иккита яъни статистика ва солиқ идораларига ҳисобот топширади. Кичик корхоналар ва микрофирмалар энди ҳар ойда эмас, чоракда бир марта ҳисобот берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, Адлия вазирлиги тизимида тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бошқармаси, вилоят адлия бошқармаларида тегишли бўлимлар тузилганлигини ҳам таъкидлаш керак. Бу тизимга суд, прокуратура, солиқ, банк идораларида ишлаб келган мутахассислар ишга қабул қилинди.

Энди аралашувлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, ишимизни, тадбиркорлар фаолиятига ҳар бир асоссиз аралашувлар, уларнинг мулкига четдан туриб хўжайинлик қилиш, ноқонуний текшириш, бошқа турдаги эркинлигини чеклаш, қонунга зид ҳолда уларни жиноий жавобгарликка тортилишидан ҳимоя қилиш чора-тадбирларидан бошладик. Тадбиркорлар фаолиятига нисбатан ҳар бир ноқонуний ҳаракатлар учун жазо муқаррарлиги принципини амалга оширяпмиз.

Баъзи маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тадбиркорлар, фермерларнинг маблағини уларнинг розилигисиз турли тадбирларга ўтказиш, маъмурий биноларни қуриш учун жалб қилиш ҳолатлари аниқланди. Бу маблағларни эгасига қайтариб бердиряпмиз. Вазирлигимиз назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тадбиркорлар фаолиятини ноқонуний текширишларга чек қўйишга алоҳида эътиборини қаратаётганлигини ҳам эътироф этмоқчиман. Дейлик, биров тадбиркорга ноқонуний текширишлар натижасида моддий зиён етказди. Биз нафақат бу зарарни, балки маънавий зарарни ҳам айбдор мансабдор шахсларнинг чўнтагидан ундирмоқдамиз.

Масалан, Самарқанд вилояти назорат органлари тадбиркор Ш. Сулаймоновнинг фаолиятини 24 кун давомида ноқонуний тартибда текшириб, унинг молиявий ҳужжатларини, штамп ва муҳрларини олиб қўйишган. Бунинг оқибатида тадбиркор саккиз ой давомида сарсон бўлиб, фаолият кўрсата олмаган. Адлия бошқармасининг даъво аризасига кўра суд қарори билан Ш. Сулаймоновга етказилган 405 минг сўм моддий ва маънавий зарар мансабдор шахслар чўнтагидан ундирилди. Шу кунга қадар айбдор мансабдор шахслардан ундирилган маблағлар миқдори 20 миллион сўмдан ортиқдир.

**— Ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида, шу йилнинг апрел ойида вазирлигингиз хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш тартибини ишлаб чиқди ва Текширишларни рўйхатга олиш китобини амалга киритди...**

— Ҳар бир назорат қилувчи мансабдор шахс, корхонага келган даврида китобни тўлдириши шарт. Ушбу мажбурият яқинда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда ҳам белгиланган.

Эндиликда, бирорта ҳам назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора ходими, агар ақли бутун бўлса, тадбиркорга нисбатан зўравонлик қила олмайди. Чунки у ўз қўли билан содир этаётган ашаддий қонунбузарлик изларини қолдириб, ўз тақдирини ҳал қилган бўлади. Китоб тақдимоти билан боғлиқ семинар ва учрашувларда маълум бўлдики, тадбиркорлар унга катта қизиқиш ва умид билан қарашмоқда. Бундай қатъий йўл тутишимизнинг сабаби — қонунбузарликлар тадбиркорлик фаолиятига ва умуман иқтисодиётдаги ислоҳотларимизга катта хавф туғдирмоқда. Айниқса, ноқонуний ҳаракатларни айнан давлат хизматчилари содир этиши мутлақо чидаб бўлмайдиган ҳол. Бу вазиятда ҳеч қандай муроса бўлиши мумкин эмас.

**— Шу ўринда кўпчиликни қизиқтираётган бир ҳолни сўрамоқчи эдим. Маълум муддатда қатор тадбиркорлар жиноий жавобгарликка тортилди. Баъзи бир ишлар, фуқаролик-ҳуқуқий низолар ва маъмурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлганлигига қарамай, жиноят иши сифатида судларга оширилган. Айрим ишлар бўйича узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар тайинланган.**

— Ҳа, шундай хатоликларга йўл қўйилган. Аммо синчковлик билан ўрганиб кўрилса, бундай амалиёт тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш хавфли экан, деган фикрга олиб келиши мумкин. Бу масала юзасидан Адлия вазирлиги ҳайъат йиғилиши ва Олий суд пленумида жиддий гаплашиб олдик. Жорий йил мобайнида асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган 221 нафар тадбиркор оқланди. Ўтган йилга нисбатан судланган тадбиркорларнинг сони икки баробарга, озодликдан маҳрум этилганлар сони эса олти баробарга камайган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тадбиркорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини ҳал этишда қонун талабларига асосан объективлик принципини сўзсиз таъминлашга ҳаракат қиляптилар.

Тадбиркорларнинг асоссиз жиноий жавобгарликка тортилишига чек қўйишни энг асосий вазифаларимиздан бири деб, қараяпмиз. Яна бир бор таъкидлайманки, тадбиркорнинг ҳар қандай ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилишига фавқулодда ҳодиса сифатида қараш талаб қилинади. Бу борадаги ўрганишларимиз шуни кўрсатдики, жавобгарликка тортишда хатоликларга йўл қўйилган. Баъзи бир ишлар, ҳали айтганингиздек, фуқаролик-ҳуқуқий низолар ва маъмурий хатти-ҳаракатлардан иборат бўлганлигига қарамай, жиноят иши сифатида судларга оширилган. Айрим ишлар бўйича узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлган жазолар тайинланган.

Масалан, Тошкент вилояти Ўрта-Чирчиқ туман солиқ инспекторлари «Бирлик» фермер хўжалигини текшириб, касса аппарати йўқ, деб ноқонуний равишда маъмурий иш қўзғатган. Ваҳоланки, фермер ўзи етиштирган маҳсулотини деҳқон бозорида сотганда касса аппаратини ишлатиши лозим эмас. Шунинг учун бу иш суд томонидан фермернинг айби йўқлиги сабабли ҳаракатдан ётқизилган ва солиқ инспекторларидан фермер фойдасига 113 минг сўм моддий ва маънавий зарар ундирилган. Лекин шунга қарамасдан солиқчилар томонидан яна қайта текшириш ўтказилиб, ўзи етиштирган гўшт маҳсулоти учун 25 сўм ортиқча ҳақ олган деб, ака-ука фермер — Охунжоновларга нисбатан жиноят иши қўзғатганлар. Туман прокурори уларнинг ҳаракатида жиноят аломатлари бўлмаганлиги учун жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни бекор қилган. Бироқ, солиқ инспекцияси фермерларни таъқиб қилиб, адлия идораларининг огоҳлантиришига қарамасдан иккинчи марта яна шу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатган. Бу ҳам прокуратура томонидан бекор қилинган. Натижада, тадбиркор ярим йил сарсон бўлган. Ушбу ҳолат бўйича адлия идораси томонидан, фермерларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириб бериш бўйича судга яна бир даъво аризаси киритилди. Қонунбузарларни эса жиноий жавобгарликка тортиш масаласи қўйилди.

Навоий вилояти Хатирчи туманида фермер О. Пўлатов шартнома мажбуриятини бажариб, ўзига тегишли бўлган 96 кг. буғдойни олиб қолганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бу иш ҳам қайта кўриб чиқилиб, фермер жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Биз яна бир марта судлардан қарорларни қабул қилишда қатъийлик ва принципиалликни илтимос қиламиз. Кези келганда, уларга юклатилган масъулиятнинг нақадар муҳимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Хўжалик ва солиқ масалалари бўйича тадбиркорлар жиноий жавобгарликка тортилаётган ишлар ҳақиқатан ҳам ўта мураккаб бўлиб, улар ҳар томонлама чуқур ўрганишни талаб қилади. Жиноятчиликка қарши кураш ҳақидаги тезислар бу ерга тўғри келмайди. Суд олдида зўравон, босқинчи шахс ёки бошқа бир жиноят элементи эмас, балки солиқ тўловчи тадбиркор туради. Балки у хатога йўл қўйиб, солиқ тўламагандир. Маълумки, солиқ қонунчилиги ўта мураккаб бўлиб, уни баъзан ҳар қандай ҳуқуқшунос ҳам тушунавермайди. Демоқчиманки, шундай экан

СПОРТ

## ЎЗБЕКИСТОНЛИК ФУТБОЛЧИЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Саудия Арабистонида футбол бўйича 32 Осиё турнирининг саралаш мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистонликлар Қирғизистон терма жамоаси билан учрашиб, 3:1 ҳисобида Яман спортчилари билан учрашувда эса 3:2 ҳисобида ғалаба қозонишди.

Терма жамоамиз эндиликда Саудия Арабистони терма жамоаси билан учрашади.

**(ЎзА).**

## Кёльнда ярмарка

Августнинг дастлабки кунларида Германиянинг Кёльн шаҳрида халқаро савдо ярмаркаси бўлди. Унда Қашқадарёдаги "Санам", "Садо", "Қаштекс" ҳиссадорлик жамиятларининг маҳсулотлари ҳам намойиш этилди. Айниқса, қашқадарёлик чеварлар тиккан спорт костюмлари ва эркаклар кўйлаклари, трикотаж кийимлар европалик харидорларнинг эътиборини тортди. Чет эллик тадбиркорлар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олинди.

**А.Тайпатов,**
**ЎзА мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2000 йил 22 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 169,10 | 10 Люксембург франки | 64,50 |
| 1 Австрия шиллинги | 18,91 | 1 Малайзия ринггити | 75,47 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 427,53 | 1 Германия маркаси | 133,04 |
| 10 Бельгия франки | 64,50 | 1 Польша злотийси | 66,74 |
| 1 Голландия гульдени | 118,08 | 1 СДР | 375,72 |
| 10 Греция драхмаси | 7,72 | 1000 Туркия лираси | 0,44 |
| 1 Дания кронаси | 34,91 | 1 Финляндия маркаси | 43,76 |
| 1 БАА дирхами | 78,07 | 1 Франция франки | 39,67 |
| 1 АҚШ доллари | 286,76 | 1 Швейцария франки | 166,77 |
| 1 Миср фунти | 82,31 | 1 ЕВРО | 260,21 |
| 10 Испания песети | 15,64 | 10 Жанубий Корея вони | 2,57 |
| 100 Италия лираси | 13,44 | 10 Япония иенаси | 26,52 |
| 1 Канада доллари | 194,40 | 1 Россия рубли | 10,34 |
| 1 Хитой юани | 34,63 | 1 Украина гривнаси | 52,73 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Теннис:

## Президент кубоги

**Сарлавҳани ўқибоқ, кўз олдингизга пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуи, турли мамлакатлар байроқлари билан безатилган ушбу муҳташам саройда Президентимизнинг ғолиб теннисчиларга махсус кубоги ва эсдалик совғалари топшириши келгандир, десам янглишмасам керак. Бу йил еттинчи бор рўй берадиган ана шундай ҳаяжонли лаҳзаларга ҳам саноқли кунлар қолди. Аниқроқ айтганда, мустақиллик байрами тантаналарига «Юнусобод»да 9-17 сентябр кунлари катта теннис байрами уланиб кетади.**



## ЕТТИНЧИ ТУРНИР ТАРРАДДУДИ

Жаҳоннинг 32 мамлакатида ўтказилаётган АТП Тоиr сериясидаги 71 та турнир сирасига кирувчи Президент кубогининг ютуқларидан бири шундаки, ўтган йили ушбу халқаро мусобақа энг юқори даражада ташкил этилган деб тан олинди. Бу воқеа ва мамлакатимиз катта ракетка усталарининг халқаро майдонда тобора юксак натижага эришаётгани, деярли барча вилоятларимизда замонавий теннис кортлари қад ростлагани юртимизда мазкур спорт турини ривожлантиришга ҳукумат миқёсида эътибор берилаётганининг меваси десак муболаға бўлмас.

Халқимизда еттидан-етмишгача деган нақл бор. Бугунги кунда мамлакатимизда теннисдек нафис спорт турига қизиқувчиларга нисбатан ҳам ана шу иборани қўлласак, фикримча, ҳеч ким эътироз билдирмайди. Зеро, сариқ копток ва катта ракетка нафақат мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар ёхуд турли касб эгалари, балки масъул лавозимда ишлайдиган кўпчилик раҳбарларнинг ҳам доимий ҳамроҳига айлангани сир эмас.

Ҳозирда Президент кубогини ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳамда ҳомий ташкилотлар томонидан сўнгги тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Мақсад битта: йилдан-йилга нуфузи, кўлами, обрўйи ортиб бораётган халқаро турнирни ҳар галгидан-да юксак савияда ўтказиш. Зеро, бунинг учун республикамизда шароитлар етарли.

Азиз газетхон! Бугундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги VII халқаро турнирида қатнашиши кутилаётган спортчилар билан таништириб борамиз. Илк меҳмонимиз машҳур катта ракетка устаси СЕДРИК Пиолин.

У 1969 йил 15 июнда Новилла ( Франция)да туғилган. Бўйи 1 метр 89 сантиметр, вазни 79 килограмм. Ўнг қўли билан ўйнайди. Профессионал теннисдаги фаолияти давомида 5 миллион 189 минг 874 АҚШ доллари ишлаган. АТП Тоиr таснифидаги энг юқори кўрсаткичи 9 поғона (17.1.1997). Ноттингем (1999), Прага (1997), Копенгаген (1996) турнирлари ғолиби.

Седрикнинг ўйинларида ёрқин муваффақият ва омадсизлик кетма-кетлиги кузатилади. Масалан, у 1998 йилги АТП Тоиr мусобақаларининг ҳеч бирида ғалаба қозона олмади. Бироқ, Дэвис кубоги беллашувларида ўзини Франция терма жамоасининг ҳақиқий етакчиси қилиб кўрсатишга эришди. Пиолиннинг жаҳоннинг энг кучли теннисчиларидан бири Густава Куэртен (Бразилия) устидан ғалаба қозониши мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Ўшанда бу ютуқ французларни Дэвис кубоги финалига олиб чиққан эди.

Шунингдек, Седрик ўтган йилги Президент кубоги баҳсларида иштирок этиб, биринчи босқичдаёқ ўйинларни тарк этганди. Балки бу йил унга омад кулиб боқар. Буни эса вақт кўрсатади.

**Озод РАЖАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Қуйидаги маҳсулотларни сотувга тавсия этамиз:***

- ПАХТА ТОЙЛАРИНИ БОҒЛАШ УЧУН МАХСУС СИМЛАР ЁКИ СИМ КАМАРЛАР.
- ЛЕНТА КАМАРЛАРИ.
- ЖИН-ЛИНТЕР ҒИЛДИРАКЧАЛАРИ (ЧЎЯНДАН)
- ЖИН-ЛИНТЕР АРРАЛАРИ (ПЎЛАТДАН-У8Г)

***Биргаликда маҳсулот тайёрлаш учун ишлаб чиқарувчиларни ўзаро ҳамкорликка таклиф этамиз.***

**Телефон: (998 71) 185-94-47 9ar-20002000@ mail.ru**
**Тел/ф (095) 996-72-38 E-mail: ollich@hotmail. com**

3220



*Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!*

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ**

***Сиз азизларни 2000 йил 29 август, 7 сентябр кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги аукцион савдоларига таклиф этади.***

**САВДОГА ҚЎЙИДАГИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТИ ҚЎЙИЛАДИ:**

*Тошкент шаҳри, Юнус-Обод тумани, Ҳ. Асомов кўчаси, 4-уйда жойлашган «Гидрометприбор» илмий ишлаб чиқариш корхонасининг 2-сонли, экспр123иментал ишлаб чиқариш корпуси (А ва Б блоклари).*

Объектнинг тавсифи: 2-сонли экспериментал ишлаб чиқариш корпуси — 4 қаватли бино (А блоки) ва унга қўшилган 1 қаватли ишлаб чиқариш биносидан (Б блоки) иборат.
А блоки (4 қават -техник), майдони техник қаватдан ташқари 2460 м2;
Б блоки- 1080 м2.

***Мазкур объект эркин алмаштириладиган валюта ёки легитим сўмга сотилади. Объект эркин алмаштириладиган валютага сотилган ҳолатда тўлов Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкининг сўмга нисбатан тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.***

**Бошланғич баҳоси 140 млн. сўм.**

***Мазкур кўчмас мулк объектига қизиқиши бор ишбилармон юртдошларимиз, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-бино.**
**Республика Биржалар маркази биноси, Республика Кўчмас мулк биржаси, 3-қават, 10-хона.**

**Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75, Ички: 153 Факс: 136-06-17**

3227



**Давлат-Акциядорлик**

# «ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК»

**жамоаси**

*Азиз ватандошлар!*

**Сизларни**
**энг улуғ,**
**энг азиз,**
**энг буюк,**
**энг суюкли байрам**

**МУСТАҚИЛЛИКнинг**
**мунаввар 9 йиллиги билан чин дилдан**
**ҚУТЛАЙМИЗ!**

**Истиқлолимиз боқий, Юртимиз обод, дастурхонимиз тўкин, Ватанимиз сарҳадлари тинч ва барқарор бўлгай! Ҳуррият туйғулари ила Соғлом авлодлар сафида камолга етаётган ўғил-қизларингиз ва набира-чевараларингизнинг тўй-ҳашамларини кўриш барчангизга насиб этсин! Биз эса улар учун доим кўплаб кўркам ва шинам уй-жойлар қуриб хизматингизда тураверайлик! Илоҳо, ниятларимиз ижобат бўлиб, фидойилик ҳеч биримизни тарк этмагай!**

***Мустақиллик байрами арафасида «Ўзуйжойжамғармабанк»и азиз юртдошларимизга янги омонат турларини таклиф этади:***

Қисқа муддатли **«ИСТИҚЛОЛ»** омонати. «Истиқлол» омонати 2000 йилнинг 25 августидан 4 сентябрга қадар 35 кун муддатга қабул қилиниб, йилига 50% фойда тўланади.

Шуни мамнуният билан маълум қиламизки, 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши муносабати билан, банк хузурида янги **«БОЛАЖОН»** деб номланган болалар жамғармаси аҳоли хизматига тақдим этилди. Унга 16 ёшгача бўлган болаларга камида 5 йил муддатга жамғарма қўйиш мумкин. Жамғармангизни ҳар йил сақлаб берилгани учун 36% қўшимча даромад тўланади. Жамғарма муддати тугагач, мукофот тарзида яна қўшимча ҳақ тўланади. «Болажон» жамғармасига турли турдаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар саховат ёрдам пул маблағлари ҳам ўтказишлари мумкин.

«Ўзуйжойжамғармабанк» барча омонат кассалари аҳолидан **«АНТИҚА»** жамғармасига пул маблағларини қабул қилади. Унда Сиз сақланиш муддатини, фоиз миқдорини ва фойда олиш кунини ўз хоҳишингизга кўра белгилаш имкониятингиз бор. Давлат-акциядорлик «Ўзуйжойжамғармабанк»и жамғармаларингизни сир сақлашни ва зарур бўлган пайтда қайтарилишини кафолатлайди.

**ЎЗ КЕЛАЖАГИНГИЗНИ «ЎЗУЙЖОЙЖАМҒАРМАБАНК» ҲАМКОРЛИГИДА ҚУРИНГ!**




3203



«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 716. 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ҳудоёров.
Навбатчи — М. Холматова.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 1.00* 1 2 3 4 5 6